

Зубайр ибн Аввом розияллоху анхунинг ҳаёт йўллари (ўн биринчи мақола)



18:01 / 25.10.2023 965

Бу даврга келиб, Зубайр ибн Аввом розияллоху анху Ислом жамиятининг энг кўзга кўринган арбобларидан бирига айланган эдилар. Ҳатто ҳазрати Усмон розияллоху анхуга бир гап бўлиб қолса, ўринларига Зубайр ибн Аввом розияллоху анхуни халифа қилиш ҳақида маслаҳатлар ҳам бўлган.

يَضْرَمُ كَحُلَا نَبِ نَأْوَرَمُ نَع
نَأْمُثُعَ بَأَصَا : لَأَقُ هُنَعُ هَلَلَا
دِي دَشُ فَاغُرُ هُنَعُ هَلَلَا يَضْر
هَسَبَحَ يُّتَحِ فَاغُرَلَا ةَنَس
هَيَلَعِ لَخَدَفِ ، يَصَوَّأَوِ جَحَلَا نَع

ۛلَاقَفِ شَيْرُقٌ نَمُّ لُجَرٍ
 ؟ هُوَلِاقَو ۛلَاقُ ، فِلْخَتْ سَا
 ؟ نَمَو ۛلَاقُ ، مَعَن ۛلَاقُ
 لُجَرِ هَيْلَعَلْخَدٌ مُث ، تَكَسَفِ
 لَاقَفِ ، فِلْخَتْ سَا ۛلَاقَفِ رَخَا
 ، مَعَن ۛلَاقَفِ ؟ اُولِاقَو ۛنَ امُّتُع
 ۛلَاقُ ، تَكَسَفِ ؟ وَهُ نَمَو ۛلَاقُ
 ؟ رِيْبُزَلَا اُولِاقُ مَهْلَعَلَفِ
 يَدُّلَاوَا مَأ ۛلَاقُ ، مَعَن ۛلَاقُ
 اَمُّ مَهْرِيْخَلُّ هِنَا ۛوَدِيْبِ يَسْفَن
 يَلَا مَهْبَحْ اَلْ نَاكُ نَاوُتْمَلَع
 هَلَلَا يَلَصْ هَلَلَا لُوسَر
 ۛيْرَاخُبُلَا هَاوَر ۛمَلَسَو هَيْلَع

«Бурун қонаш йили Усмон шиддатли бурун қонашга мубтало бўлди. Ҳатто бу(хасталик) уни ҳаждан қолдирди. У васият ҳам қилди. Бас, Қурайшдан бир одам унинг олдига кириб:

«Ўрнингга халифа қолдир», деди.

«Ҳали шуни ҳам айтишдими?» деди у.

«Ҳа», деди.

«Кимни?» деди у.

Ҳалиги одам жим қолди. Сўнгра унинг олдига бошқа бир одам кирди ва:

«Ўрнингга халифа қолдир», деди.

«Ҳали шуни ҳам айтишдими?» деди у.

«Ҳа», деди.

«Кимни?» деди у.

У одам жим қолди. Шунда у:

«Эҳтимол, Зубайрни айтишгандир?» деди.

«Ҳа», деди ҳалиги одам.

«Аmmo, жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, менинг билишимча, у уларнинг ичида энг яхшиси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга энг маҳбублари эди», деди у».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: 31-ҳижрий санада Мадинаи Мунавварада оммавий бурун қонаш касали тарқалган. Шунинг учун ўша йил Бурун қонаш йили номини олган. Ўшанда халифа ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу ҳам бу дардга мубтало бўлганлар. Ушбу ривоятда зикр қилинган гап-сўзлар ана шу пайтда бўлиб ўтган.

Бу ривоятдан Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг халифа Усмон розияллоҳу анҳу ва мусулмонлар ҳузурида обрўлари жуда ҳам катта бўлганлиги келиб чиқади.

Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг:

«Аммо, жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, менинг билишимча, у уларнинг ичида энг яхшиси, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга энг маҳбублари эди», деганларини шарҳ қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Кейин ҳазрати Усмон розияллоху анху тузалиб кетдилар. Зубайр ибн Аввом розияллоху анху эса у кишига ёрдам беришда давом этдилар. У кишини фитначилар хуружидан ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатдилар. Зубайр ибн Аввом розияллоху анху ўғилларини халифани фитначилардан ҳимоя қилиш гуруҳига қўшдилар. Фитначилар халифа Усмон Зуннураинни номардларча қатл этганларида эса қаттиқ надомат қилдилар. Бу ишда бўлган зулмни рад қилиш учун халифанинг ўчини олиш ҳақидаги талабнинг бошлиқларидан бирига айландилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.